



Ислом Нури

Маҳалламизда кичкина масжид бор. Бир вақтлар ўша масжидда ёши улуғ бир киши имомлик қиларди. Куни ибодат ва таълимда ўтар, дунё билан иши йўқ. Йиллар шу зайлда ўтибди. Маҳалладошлар меҳрини қозонибди. Катталари биродар, кичиклари ўғил ўрнида кўриб меҳр қўйишибди. Уларга яхшилик йўлларини ўргатибди.

Кейинги вақтларда нимагадир намозхонлар сони камая бошлади. Буни хушёрлик билан кузатиб келаётган олим бир куни намозхонларни сўроққа тутди:

- Одамларга нима бўлябди, айниқса масжидга келадиган ёшлар кам бўлиб қолишди?

- Улар дискотекада, ўйинхоналарда.

- Дискотека? Бу яна нимаси?

Намозхонлардан бири ҳижолатга тўла паст овозда:

- Дискотека дегани бу катта зал. Зал ўртасида баланд қилиб сахна қилинган. Ўша сахнага қизлар чиқиб рақсга тушишади. Одамлар сахна атрофида туриб олиб томоша қилишади.. Ўзлари ҳам рақсга тушишади.

- Бўлди.. бас... Аллоҳим ўзинг паноҳ бер! - Ачиниш билан калла силкитиб: Томоша қиладиганлар ҳам мусулмонларнинг фарзандларими?

- Шундай!

- Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ! Ундай бўлса ўша одамларга



Ислом Нури

насиҳат қилишимиз керак!

Шундай деб ўрнидан шаҳд билан кўзғолди. Намозхонлардан бири шошилиб: – Эй шайх! Сиз одамларни дискотекада даъват қилмоқчимисиз?! деди, сафларни кесиб ўтмоқчи бўлган имомнинг йўлини кесиб.

– Албатта! Нега қилмас эканман?!

Йўлини кессада шаштини кеса олмаганини билган намозхон гапнинг пўсткалласини айтақолди:

– У ерда сиз масхарага қолишингиз мумкин! У ерга борадиган кишилар беҳаё бўлиб кетишган. Сизга озор беришдан ҳам тойишмайди.

Бу гапни эшитиб шарт тўхтади-да, юзлари қизарган ҳолда хитоб қилди:

– Нима, биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан афзал бўлдикми?! Сизу биз, дунёдаги борики мусулмонлар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аччиқ озорлар, масхара-ю кулгиларга сабр қилгани самараси эмасми?

Дуч келган намозхон қўлидан олиб: юринг менга ўша дискотека деганини кўрсатинг! – деди.

Шаҳдам қадамлар билан кетаётган имомларини кўрган қавм унинг ортидан эргашди. Мана ўша айтилган дискотека ҳам кўринди. Ҳов ана. Эгаси ҳам бино яқинидаги дарахт соясига қўйилган ўриндиқда керилиб ўтирибди. Бир ғуж бўлиб келаётган одамларни кўриб қўлини



Ислом Нури

пешонасига соябон қилиб қараб ҳам қўйди.

- Тўйми, маъраками бор шекилли. Тўп бўлиб кетишябди, ҳаёллади у. Йўқ гумони нотўғри чиқиб қолди. Охирги муйилишдан ҳам ўтиб тўппа тўғри у томонга яқинлашишмоқда. Жамоат керилиб ўтирган кишига парво ҳам қилмай бино томон юришди.

- Тўхтанг қаёққа!? Мен бу ерда хўжайин! Менинг рухсатимсиз яқинлашишга ҳаққингиз йўқ! Тўхтанг дейман сизга!

Бу кишининг бошлиқлигини эшитиб тўхташди. Нима учун келаётганларини, бу ишдан қайтмасликларини тушинтиришди. Мақсадларини англаган хўжайин янада оёқ тиради.

- Ахир бу менинг бизнесим! Булар келишмай қўйса мен нима қиламан?! - ҳайқирди бўзариб.

Ҳамма гап пулда экан-ку, дарров унга пул таклиф қилишди. Қисқа давом этган олди - бердидан сўнг дискотеканинг бир кунлик киримини беришадиган бўлишди.

- Майли фақат эртага келасизлар! - ўзини норозиликка солиб, ҳозир эса кетинглар!

Бир кун ўтди.

Ўша дискотека. Саҳна атрофида одамлар жамул-жам томоша бошланишини интизорлик билан кутишябди. Бир сидра қараган одам Аллоҳнинг раҳматига чақириб азон айтилган вақтда Шайтонни овора қилгиси келмаган одамлар ҳаммаси бир-бирини чақириб шу ерга тўпланишгандек хис қилади. Юзларда нур йўқ, ширакайф нигоҳлар



Ислом Нури

хирс билан боқади. Сигарет тутаетган анави нусханинг оғзидан чиқаётган тутун бадбўйроқми ёки ўша бўйга аралашиб чиқаётган беадаб сўзми?! Буни ўзи ҳам, суҳбатдоши ҳам сезмайди. Улар шу ҳаётга ўрганиб қолишибди. Вожаб! Одам ҳам шундай тез ўзгарадими?

Ҳамма сабрсизлик билан бақира бошлади:

- Қани бошла томошангни. Бекор томоша деб куттираверсанми?

- Қани нима таёрлагансан ўзи?

Саҳна узра тутилган парда залворли кўтарилди. Паст нурда ёритилган зал ўртасидаги саҳнада катта ўриндиқ. Унда оппоқ соқоли кўксини тўлдирган киши ўтирибди. Ҳа, танидингиз, бу ўша имом! Бу ҳолатни кўрган зал бирдан жим бўлдида сониялар давом этган сукунат бирданига ғала-ғовурга айланди.

- Бисмиллаҳир роҳманир роҳим!

Вақорли овоз ғала ғовурни кесиб зал ичра таралди.

- Алҳамду лиллаҳи роббил а-а-ламин, вассолату вассаламу ала Росулиҳил Карим..

Ким жуфт-жуфт бўлиб кулишябди. Ким ҳўмраяди. Ким ширакайф ҳиринглайди: - Шу эканда бизга таёрлаган нарсаси!

Ҳатто баъзилар очиқ норозилик қиларди: - Бу ер маърузахонамиди?! - дея ғингшарди. Имом эса сўзида давом этарди.



Ислом Нури

Залнинг чеккароғида турган бир киши бирдан ўриндиклардан бирига чиқиб одамларни тинчланишга чақирди:

- Сизларни деб келибди. Охирги марта қачон қулоғингизга оят-ҳадис кирган? Эшитинг!

Зал аста секин жимиб бошлади. Имом атрофдаги бўлаётган ишларга бепарво ўз сўзида давом этарди. Зал тамом сукутга чўмди. Биргина имомнинг улуғвор сўзлари, чиройли қироат билан келтираётган оятлари билан жарангларди.

Оятлар - тоғларни эритишга қодир пурмаъно оятлар, ҳикматли ҳадислар, мисоллар, тарихда ўтган баъзи осийларнинг ҳаётидан мисоллар, бу одамлар айтилаётган сўзларни охирги марта қачон эшитишган экан. Хатто баъзилар эшитмаган ҳам бўлса керак.

Имом кўз ёшларини яшириб давом этарди:

- Эй одамлар! Узоқ яшадинглар... Аллоҳга кўп осий бўлдинглар... Қани қай бирингиз менга аввалда қилган маъсиятларидан бирида топган лаззатини олиб келиб бера олади. Қан у лаззатлар?! Йўқ... кетиб бўлган! Лекин асорати қолган. Асорати нима дейсизми?! Қора саҳифалар... Қиёмат куни шарманда қилувчи саҳифалар... ундаги битикларга битта-битта жавоб берасизлар... Ҳисоб-китоб куни... У кун жуда яқин... У кунда Қаҳҳор ва Ёлғиз Аллоҳнинг қаршисида турасизлар...

- Эй одамлар қилаётган ишларингизни биласизларми? Сизларни қаерга олиб боришини биласизларми ўзи?!

- Бирортангиз бу дунё ўтига чидай олмайди, шундай эмасми? Ўша



Ислом Нури

сизлар кўрқаётган ўт қиёматдаги Жаҳаннам ўтининг етмишдан бири эканини биласизми?

- Шошилиглар, тезроқ тавба қилиглар!

Имомнинг сўзлари таъсирли эди, чунки у қалбдан чиқарди. Қалбдан чиққани қалбга деганлари тўғри экан. Сўзлари тўғри одамларнинг қалблари тўрини эгалларди. Одамлар гуноҳларини эслаб йиғлай бошладилар. Буни сезган имом маърузани яна ҳам кучайтирди. Сўнг уларга раҳмат ва мағфират сўраб дуога қўл очди.. Зал одамларнинг жўр овозидан зирилларди.. Амин!! Амин!!

Сўнг ўриндиқдан турди. Ҳайбатли ва виқорли юриб залдан чиқди. Одамларнинг ҳаммаси - ҳа ишонаверинг, ҳаммаси - имомга эргашиб чиқишди.

Улар тавба қилгандилар. Имом сабабли, бу дунёда нима учун яшаётганларини тушуниб етгандилар. Лаҳзалик лаззатлар, рақслар фойда бермас экан. Саҳифалар тарқатилганда, гуноҳлар кўп бўлса, кеч бўлишини англашди.

Йўлакда, ўша дарахт соясида бино хўжайини турарди. Унинг ҳам кўриниши кечагидек эмас. Имомга пешвоз чиқиб тавба қилганини эълон қилди. Ҳамма олдида гуноҳларига надоматлар қилди.